

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИНОЯТОВ АЗИЗХЎЖА ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ” АСАРИДАГИ
ТАФСИР ИЛМИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ**

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Islamic studies science**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по исламоведческим наукам**

Иноятов Азизхўжа Хайруллоевич

Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги тафсир илмига оид
қарашлари..... 3

Inoyatov Azizkhujja Khayrulloevich

Imam Bukhari's views on the science of tafseer in the work
“al-Jame’ al-Sahih” 23

Иноятов Азизходжа Хайруллаевич

Взгляды Имама Бухари на науку тафсир в произведении
«аль-Джами ас-сахих» 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИНОЯТОВ АЗИЗХЎЖА ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ” АСАРИДАГИ
ТАФСИР ИЛМИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ**

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Isl18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.iiiau.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уватов Убайдулла Мурадович

тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Юлдашходжаев Ҳайдархон Хашимхонович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот
маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « » Ноябрь соат 1400 даги онлайн/офлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (89 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «10» Ноябрь тарқатилди.
(2021 йил «2» Ноябрь 11 - рақамли реестр баённомаси)



(Handwritten signature in blue ink)

Д.Р.Махсудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фан доктори (DSc), доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

(Large handwritten signature in blue ink)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий жамоатчилиги нафақат ислом, балки жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, диний ва дунёвий фанларни бирдек ўрганиб, уларни жамият ҳаётига татбиқ эта олган Мовароуннаҳр олимларининг маънавий-маърифий меросини ўрганишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бу борада ислом таълимоти асосларидан ҳисобланган ҳадисларни жамлаб, улар орасидан ишончлиларини ажратиб берган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Доримий каби муҳаддис аждодлар ҳаёти ҳамда асарларини ўрганиш, Имом Бухорийни нафақат муҳаддис, балки муфассир сифатидаги фаолиятини ҳам тадқиқ этиш заруратга айланмоқда.

Дунёнинг қатор илмий марказларида тарихий манбалар, нарратив асарлар асосида ислом тарихи ва манбаларини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Зеро, саҳиҳ ҳадис тўпламларини тадқиқ этиш бугунги ахборотлашган жамиятда кишилар онги учун олиб борилаётган кескин кураш жараёнида Қуръондан тўғридан-тўғри ҳукм олиш, оятларни тафсир қилишда мавжуд қонун-қоидаларни инкор этиш каби нотўғри ёндашувларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Ислом оламида тан олиган энг ишончли ҳадислар тўплами муаллифи Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (الجامع الصحيح) асари ва ундаги “Тафсир китоби” (كتاب التفسير) фасли, фаслда келтирилган тафсирга оид ҳадисларни ўрганиш, оятларни шарҳлашда муҳаддиснинг ёндашув ва услубларини таҳлил этиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистонда аждодларнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини қайта тиклаш, буюк алломалар илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Улуғларга эҳтиром кўрсатиш, улардан ҳар жиҳатдан сабоқ олишга қаратилган оқилона сиёсат олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад – исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч”¹. Имом Бухорий каби ислом оламида юксак эътирофга сазовор бўлган алломалар ҳаёт йўли ва илмий ижодини чуқур тадқиқ этиш ҳамда асарларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш муҳим масалалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга Имом Бухорий зиёратгоҳининг янги кўриниши тақдим этилди: <https://president.uz/uz/lists/view/4288> (15.04.2021).

томонидан “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари тадқиқ этилиб, монография, рисола ва мақолалар нашр этилган. Аммо тадқиқотларда асарда зикр этилган тафсирга оид ҳадислар ва шарҳлар алоҳида ўрганилмаган.

Ҳадис илмига доир манбаларни тадқиқ этиб, Мовароуннаҳр уламоларининг ҳадис илмига қўшган ҳиссаси ва ёзган асарлари бўйича изланишлар олиб борган маҳаллий тадқиқотчилардан М.Алимова, А.Исмоил Махдум, А.Мансур, Д.Муратов, Д.Раҳимжонов, И.Усмонов ва Ж.Ҳамроқуловни қайд этиш мумкин⁴.

Мовароуннаҳрлик муфассирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий изланишлар олиб борган А.Абдуллаев, Ҳ.Кароматов, Д.Махсудов, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Р.Обидов, Ш.Умаров ва Б.Ҳасановнинг Қуръон илмларига оид тадқиқотларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз⁵.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлардан аён бўладики, Имом Бухорийнинг муҳаддис сифатидаги фаолияти ва унинг асарлари тадқиқ этилган, лекин унинг Қуръон оятларини шарҳлашдаги ёндашуви махсус ўрганилмаган. Шу боис илмий тадқиқотда олимнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари асосида тафсир илмига оид қарашларини чуқур ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-051 – “Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда

б.; ўша муаллиф. Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.; ўша муаллиф. Икки буюк донишманд. – Т., Шарқ, 2005. – 60 б.; ўша муаллиф. Имом ал-Бухорий ҳаёти. – Т.: 1998; ўша муаллиф. Муҳаддислар имоми. – Т.: Маънавият, 1998.; Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “ал-Жоми’ ас-саҳиҳ” асаридаги фикхий масалалар: тар. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: ТИУ, 2001; ўша муаллиф. Имом ал-Бухорий оврупаликлар нигоҳида // Шарқ машъали. – Тошкент, 1998. – № 3-4; Hazratkulov A. (2020). "Al-Jome Al-Sahih" Imam Bukhari's work and structure. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 216-220. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-84-38> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.38> (Published: 30.04.2020).

⁴ Алимова М. Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси. Монография. – Т.: Complex print, 2019. – 189 б.; Ҳадиси Қудсий. / Масъул муҳаррир: Абдуллоҳ Исмоил Махдум. – Т.: Мовароуннаҳр, 1996.; Минг бир ҳадис. – Т. 2 жилдли / Арабчадан А.Мансуров таржимаси. – Т.: Ўзбек маскани, 1991.; Раҳимджонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.; Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий ва унинг «Китоб ал-қанд» асари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиш, 2020. – 178 б.; Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари / Масъул муҳаррир И.Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011.; Ҳамроқулов Ж. Мусталаҳ ал-ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

⁵ Абдуллаев А. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни: тар. фан. номз.... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.; Қуръоншуносликка оид илмлар / Абдуллаев А. ва бошқалар; масъул муҳаррир: Усмонов И. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016.; Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1995; Ҳасанов Б. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичи лугати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.; Махсудов Д. Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби тафсирларининг қиёсий таҳлили (XIII-XV асрлар): тар. фан. бўй. фан докт. (DSc) ... дисс. автореф. – Т.: ЎзХИА, 2020.; Қуръон илмлари / Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. – Т.: Nilol-Nashr, 2013.; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 60-145; ўша муаллиф. Ўрта Осиё олимларининг тафсир соҳасидаги хизматлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009; ўша муаллиф. Қуръон ва тафсир илмлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 468 б.; Умаров Ш. Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII-IX асрлар Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожигаги ўрни: тар. фан. бўй. фан. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Т.: ЎзХИА, 2019.; ўша муаллиф. Кешлик алломалар. – Т.: Ғафур Ғулом, 2019. – 228 б.; Ҳасанов Б. Қуръон илмлари: Қуръони карим, кироат илми, тажвид илми. – Т., 2000.

соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги Қуръон тафсирига оид қарашларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тафсир илмининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ўрганишнинг илмий асосларини аниқлаш;

IX аср тафсиршунослигида Қуръон оятлари шарҳлари жамланган ишончли ҳадислар тўпламларининг аҳамиятини ёритиш;

Имом Бухорийнинг тафсир йўналишидаги қарашлари шаклланишида устозлари ролини кўрсатиш;

олимнинг нақлий тафсирлар шаклланишидаги ўрни ҳамда “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги оятларнинг тафсирларига доир хабарларни келтиришдаги ёндашувини очиқ бериш;

муҳаддиснинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида Қуръон маъноларини шарҳлашдаги услуби, оятлар мазмунига оид ҳадисларни бобларга ажратишдаги усулини мисоллар асосида кўрсатиш;

Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” таркибидаги “Тафсир китоби” тарожумларини номлашдаги ўзига хос истинбот усулини ёритиш, бу борада билдирилган фикрларни таҳлил қилиш;

муҳаддиснинг ақидавий оятларни шарҳлашдаги ишора ва далиллари, ақидавий масалаларга тааллуқли оятлар тафсирига оид изоҳ ҳамда шарҳлари таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тафсир илми ривожда Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг тутган ўрни олинган.

Тадқиқотнинг предмети этиб, муҳаддиснинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида Қуръон оятларини шарҳлашдаги қарашлари, ёндашув услуби белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, анализ, синтез ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буюк муҳаддис Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўпламига илк бор Қуръон оятларини шарҳлашга бағишланган “Китоб ат-тафсир” (كتاب التفسير)ни киритгани, бу эса кейинги ҳадис мажмуаларида анъана сифатида давом этгани далиллангани;

IX асрда таълиф этилган ишончли ҳадис тўпламлари орасида фақат “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да Қуръони каримнинг барча – 114 сурасига алоҳида тўхталиб ўтилгани, Имом Бухорий замондошлари - Имом Доримий, Имом Муслим, Имом Термизий каби машҳур муҳаддисларнинг ҳадис китобларида айрим сураларнинг тафсири ва фазилатларига оид хабарлар зикр қилингани аниқланган;

Имом Бухорий Қуръон оятлари шарҳлари билан шуғулланган ва тафсирга оид ҳадисларни жамлаган 50 га яқин муҳаддислардан ўз

шартларига мувофиқ келган фақат 12 нафар Ироқ, Ҳижоз ва Шом ровийларининг ҳадисларини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг “Тафсир китоби”га киритгани асосланган;

Имом Бухорий банда амалини имоннинг шартларидан бири сифатида санаши, амалсиз инсонни динсиз ҳисобламаслик борасидаги қарашлари мотуридийлик таълимоти билан муштарақлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

IX асрда олимлар томонидан тафсирларни тадвин қилиш кенг тарқалгани ҳамда Имом Бухорий каби муҳаддислар Қуръон оятларини ҳадис, саҳобий ва тобейлардан нақл қилинган саҳиҳ ривоятлар асосида ўзига хос услубда шарҳлаб, нақлий тафсирларнинг шаклланишига асос солганликлари далилланган;

Имом Бухорий илмий сафарлари давомида мингдан ортиқ ровий-муҳаддислардан таълим олиб, ишончли ҳадислар тўпламида тафсирга оид ривоятларни келтиришда саҳиҳлик шартларига мувофиқ келган 12 нафар устозининг ҳадисларини “Тафсир китоби”га киритгани аниқланган;

“ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да Қуръон оятларининг тафсирига оид мингдан ортиқ ҳадислар ривоят қилингани, муҳаддиснинг ривоятлардаги сўзлар маъносига аниқлик киритиш учун луғатдан кенг фойдалангани, оятларни шарҳлашда нақлни устувор ҳисоблангани ёритилган;

Имом Бухорийнинг IX асрда кенг тарқалган муржий, қадарий, хорижий, муътазилӣ ва жаҳмӣ каби адашган тоифаларнинг ақидаларига раддия бериш учун келтирган оят ва ҳадислари асосида “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг бугунги кундаги илмий-маърифий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги методологик базасининг яратилгани, Шарқ ва Ғарб исломшунослик мактабларида шаклланган қатор илмий тадқиқот усулларида фойдаланилгани, илмий хулосаларни илгари суришда “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, шунингдек, “Жомеъ ал-баён ан таъвили айил-Қуръон” каби бирламчи тафсир манбалари ва замонавий тадқиқотларга⁶ таянилгани, далиллар воситасида асослангани билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нақлий Диссертацияда келтирилган маълумотлардан тафсир илмлари тарихи ва ривож, IX аср муҳаддислари мероси, янги тадқиқотларга замин бўлиши, Имом Бухорий асарларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда, сохта салафийлар сингари фирқаларнинг қарашларига раддия беришда ҳамда жаҳолатга қарши маърифат билан кураш борасидаги билим ва кўникмаларни кучайтиришда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 1987. – 307 б.; Абу Бакр ибн Абдулраззоқ ибн Нофеъ ал-Ҳумайрий. Тафсир Абдулраззоқ. - Ж. 1 / Маҳмуд Муҳаммад Уба таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998.; Саййид Абдулмажид Ғаврий. Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуних. - Ж. 2. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 294; Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятидан Ўзбекистон халқаро ислом академияси, олий ва ўрта махсус диний билим юртларида ўқитиладиган “Қуръоншунослик”, “Тафсир илмига кириш”, “Тафсир матнлари”, “Мовароуннаҳрдаги тафсир услублари” каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгича ёндашувлар билан такомиллаштириш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулоти ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги тафсир илмига оид қарашлари таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

буюк муҳаддис Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўпламига илк бор Қуръон оятларини шарҳлашга бағишланган “Китоб ат-тафсир” (كتاب التفسير)ни киритгани, бу эса кейинги ҳадис мажмуаларида анъана сифатида давом этгани далиллангани тўғрисидаги хулосалар “Имом Бухорий – муҳаддислар султони” китоби мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 3 июлдаги 02/180-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек халқининг Имом Бухорий бой илмий мероси ҳақидаги хабардорлиги оширилган ҳамда соф ислом таълимоти ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини берган;

IX асрда таълиф этилган ишончли ҳадис тўпламлари орасида фақат “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да Қуръони каримнинг барча – 114 сурасига алоҳида тўхталиб ўтилгани, Имом Бухорий замондошлари - Имом Доримий, Имом Муслим, Имом Термизий каби машҳур муҳаддисларнинг ҳадис китобларида айрим сураларнинг тафсири ва фазилатларига оид хабарлар зикр қилингани тўғрисидаги илмий хулосалардан Мир Араб олий мадрасаси учун “Тафсир”, “Ҳадис” ва “Қуръон илмлари” каби фанларнинг ўқув режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 27 июлдаги 1553-сон маълумотномаси). Натижада, талабалар диний соҳага оид муҳим саволларига асослантирилган жавоблар олишида ва Қуръон, ҳадис ва тафсир илмларини чуқур ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этган;

Имом Бухорий Қуръон оятлари шарҳлари билан шуғулланган ва тафсирга оид ҳадисларни жамлаган 50 га яқин муҳаддислардан ўз шартларига мувофиқ келган фақат 12 нафар Ироқ, Ҳижоз ва Шом ровийларининг ҳадисларини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг “Тафсир китоби”га киритгани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосидаги “Термизий алломаларга доир қўлёзмалар каталоги”ни чоп этишда фойдаланилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2020 йил 28 июлдаги 305-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар орасида Имом Термизийнинг устози Имом Бухорийнинг ҳадис илми билан бир қаторда тафсир илми ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлиқ маълумот олиш, аждодлар илмий-маънавий меросига бўлган қизиқишни ортишига хизмат қилган;

Имом Бухорий банда амалини имоннинг шартларидан бири сифатида санаши, амалсиз инсонни динсиз ҳисобламаслик борасидаги қарашлари мотуридийлик таълимоти билан муштараклиги, мавзуларга ажратишдаги ўзига хос услуби тўғрисидаги маълумотлардан Имом Бухорий асарлари асосида қўлёзмалар каталоги, альбомлар, илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 15 октябрдаги 151/21-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларда ислом дини, ҳадис ва тафсир илмлари хусусида тўғри тасаввур кўникмалари шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 5 та китоб ҳамда 12 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**IX аср тафсир илми ривожини ўрганишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида тафсир илмининг ривожланиш босқичларини ўрганишнинг илмий асослари ҳамда IX аср Мовароуннахр тафсиршунослиги шаклланишида ҳадис тўпламларининг аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тафсир илмининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари IX аср муфассирлари ва тафсир манбалари илмий тавсифланган.

“Тафсир илмининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ўрганишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобнинг биринчи

параграфида манба ва тадқиқотлар асосида тафсир илми шаклланиши ва ривожланиш босқичлари уч босқичга бўлиб ўрганилган:

1) Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобийлар даври. Бу даврда Қуръон тўлиқ тафсир қилинмай, баъзи оятларнинг маъноси умумий тарзда баён этилган, алоҳида китобларга жамланмаган. Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) Қуръони карим оятларини дастлаб ваҳий сифатида қабул қилиб, уларни изоҳлаган биринчи шахс саналади. Шу сабабли *ас-сунна тувассир ал-Қуръан*, яъни “суннат Қуръонни шарҳлайди” қондаси вужудга келиб, барча муфассирлар тафсирларида ҳадисларга таянишлари тартиби белгиланган. Лекин Пайғамбар (с.а.в.) Қуръон тафсирига алоҳида фан сифатида ёндашмаган, балки уни одамларга изоҳлашни ўзининг бурчи ва вазифаси тарзида қабул қилган⁷. Саҳобийлардан кўпчилиги оятларни тафсир қилиш билан шуғулланган бўлсалар-да, уларнинг орасида энг машҳур ва пешқадамлари тўрт киши эди. Булар Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687), Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661), Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/652) ва Убай ибн Каъб (р.а.)дир⁸;

2) Тобейлар даври. Ислом дини тарқалган ҳудудлар аҳолиси ўз шаҳарларидаги саҳобийлардан эшитган ривоятларни ўрганганлар. Мазкур даврда аввал яҳудийлик ва насронийлик эътиқодида бўлган, кейин исломни қабул қилган кишилар ҳам тафсир билан шуғулланганлар. Улардан келган ривоятлар исроилиётлар дейилган. Тобейлар тафсир илмида жуда юқори даражаларга эришиб, оятларни шарҳлаш имкониятларини кенгайтирганлар. Ўз навбатида турли фирқа ва мазҳаб вакиллари қарашлари асосида Қуръонни тафсир қилиш бошланган. Масалан, қадарийлардан Қатода ибн Даома Садусий қазо ва қадар масаласига оид ўз тафсирини ёзган. Тобейлар орасида Саид ибн Жубайр (ваф. 95/713), Иброҳим Нахаъий (ваф. 95/714), Мужоҳид (ваф. 103/721), Даҳҳок ибн Музоҳим (ваф. 105/723), Товус ибн Кайсон (ваф. 106/724) кабилар тафсир илми билимдони сифатида машҳур бўлганлар;

3) Табаъа тобейлар даврига келиб, ҳадислар ёзила бошланган ва улар мавзуларга кўра таснифланган ҳолда тўпламларга жамланган. Дастлаб тафсир илмига оид маълумотлар ушбу асарларнинг бир фасли (китоби, боби) сифатида қайд этилган. Мазкур даврнинг сўнгига келиб, тафсир илми ва у билан боғлиқ ривоятлар алоҳида ажратилган, сўнг китоб шаклига келтирилган. Манбаларда бу даврга оид тафсир муаллифлари сифатида Язид ибн Ҳорун Суламий (ваф. 117/735), Шуъба ибн Ҳажжож (ваф. 160/777), Вакиъ ибн Жарроҳ (ваф. 197/813), Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814), Равҳ ибн Убода Басрий (ваф. 205/820), Абдураззоқ ибн Ҳаммом (ваф. 211/826), Одам ибн Иёш (ваф. 220/835), Абд ибн Ҳумайд (ваф. 249/855) тилга олинган.

⁷ Солих ас-Субҳи. Мабахисун фи улум ал-Қуръон. – Байрут, 1972. – Б.97.

⁸ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жузай Калбий. Китоб ат-тасхил ли улум ат-Танзил / Муҳаммад Абдулмуъним Юнусий ва Иброҳим Атва таҳқиқи. – Ж. 1. – Қоҳира: Авд. – Б.16; Муҳаммад ибн Ҳусайн Заҳабий. Ат-Тафсир ва-л-муфассирун. – Ж. 2. – Байрут: Дор ал-Арқам. – Б.45.

“IX аср тафсирунослигида ҳадис тўпламларининг аҳамияти”, деб номланган иккинчи параграфда тафсир илми тарихида Имом Бухорийга замондош бўлган ва тафсир илми билан шуғулланган муҳаддислар илмий мероси алоҳида тадқиқ этилган. Ислом оламининг машҳур олимларидан Муҳаммад ибн Савр (ваф. 190/806), Вакиъ ибн Жарроҳ, Абу Бакр Асам (ваф. 200/816), Равҳ ибн Убода, Абу Бакр ибн Абу Шайба (ваф. 235/849), Исҳоқ ибн Роҳавайҳ (ваф. 238/853), Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855), Дуҳайм (ваф. 245/859), Абд ибн Ҳумайд, Яъқуб ибн Иброҳим Давракий (ваф. 252/866), Юсуф Қаттон (ваф. 253/869), Абу Саид Аъшаж (ваф. 257/871), Сунайд ибн Довуд (ваф. 266/880), Ибн Можжа (ваф. 273/886), Бақи ибн Махлад (ваф. 276/889), Абу Али ибн Абдулваҳҳоб Жуббой (ваф. 303/916), Риёзий (ваф. 298/911) кабилар фаолият юритганлар⁹. Аксарият муҳаддисларнинг асарлари таркибида тафсир илмига оид алоҳида китоб ажратилган бўлиб, унда саҳобий, тобейй ва табаъа тобеййлар томонидан ривоят қилинган ҳадислар ўрин олган.

Ўрта аср манбаларида VIII–IX асарларда яшаган муҳаддислар томонидан алоҳида таълиф этилган тафсир китоблари ҳақида маълумотлар келтирилган, бироқ уларнинг аксарияти бугунги кунгача етиб келмаган. Жумладан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Савр Санъоний (ваф. 190/806) Яманнинг Санъо шаҳрида туғилган. Муфассир, муҳаддис ва фақиҳ сифатида танилган Ибн Савр ҳадисда “сиқа”, яъни ишончли ровийлардан ҳисобланган. У Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайжнинг тафсирини ривоят қилган. Машҳур тафсир китобларда олимдан қилинган кўплаб ривоятлар мавжуд. Имом Табарийнинг “Тафсир”ида Ибн Саврнинг Маъмардан ривоят қилган 550 дан ортиқ хабари келтирилган¹⁰.

Абу Бакр Асам Басранинг тафсир, калом ва фикҳ бўйича етук олимларидан ҳисобланган. У фақирона ҳаёт кечирган. Манбаларда унинг “Тафсир ва китоб халқ ал-Қуръон”, “Китоб ал-ҳужжа вар-русул”, “Китоб ал-ҳаракот”, “ар-Радду ьала ал-мулҳида”, “ар-Радду ьала ал-мажус ва асмо ал-ҳусна” каби 27 та асар таълиф этган. Китоблари орасида фақат биттаси, яъни “Тафсир ал-Қуръон” асари бугунги кунга етиб келган. Унинг Қуръон тафсирига оид ўзига хос қарашлари Имом Жуббой, Имом Мотуридий ва Фахриддин Розий каби олимлар тарафидан кўп ўринларда нақл этилган. Абу Бакр Асам маъноси бирор далилга муҳтож ва эътирозга сабаб бўлмаган оятлар муҳкам, маъноси ақл юритиш воситасида англанадиган оятлар эса муташобих, деб таъриф берган.

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ номи билан машҳур бўлган Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Махлад ибн Иброҳим Ҳанзалий Марвазий 161/778 йилда Марвада туғилган. Ҳадис хофизларидан бўлиб, дастлабки илмни Абдуллоҳ ибн Муборак, Суфён ибн Уяйна, Вакиъ ибн Жарроҳлардан ўрганган. Унинг

⁹ Ибн Надим Абулфараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад Варроқ Бағдодий. Ал-Фихрист. - Байрут: Дор ал-маърифат, 1997. – Б. 52-60.; Жалолиддин Абдурахмон Суютий. Ал-Иткон фий улум ал-Қуръон. – Ж. 2. – Б. 242-244.

¹⁰ Қаранг: Herbert Berg. The Development of Exegesis in Early Islam. The Authenticity of Muslim Literature from the Formative Period, Richmond (Surrey). - Curzon, 2000. – P. 142.

шогирдлари орасида Имом Бухорий, Бақийя ибн Валид, Яҳё ибн Одам ва бошқа кўплаб машхур олимларни келтириш мумкин. У фикҳий мавзуларга кўра тартибланган “Сунан”, ровийларга кўра жамланган “Муснад” ҳамда “Тафсир” асарларини таълиф этган бўлиб, улар бугунги кунгача етиб келмаган. Исҳоқ Ибн Роҳавайҳ 238/853 йилда вафот этган.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, IX аср Мовароуннаҳр тафсиршунослиги ривожиди муҳаддисларнинг роли, ҳадис тўпламларининг аҳамияти беқиёсдир. Хусусан, Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари ҳам тафсирга доир ривоятларни жамлагани билан ҳам эътиборли манба ҳисобланади.

Диссертациянинг «Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг нақлий тафсир анъаналари шаклланишидаги ўрни» деб номланган иккинчи бобида Имом Бухорий муфассир устозларининг тафсирга оид ривоятлари, “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги тафсирга доир ривоятларни жамлашдаги ёндашуви ва муҳаддиснинг Қуръон маъноларини шарҳлашдаги усули ёритилган.

“Имом Бухорий муфассир устозларининг тафсирга оид ривоятлари” номли биринчи параграфиди олимнинг тафсир ривоятлари билан танилган устозлари ҳақида маълумот берилган. Имом Бухорий илмий сафарлари давомида 1080 нафар устоз-шайхлардан ҳадис ёзиб олган¹¹. У дастлабки илмни ўз она юртидаги олимлардан олишни бошлаган. Манбаларда Абу Ҳафс ибн Ҳафс (ваф. 216/831) Имом Бухорийга Суфён Саврийнинг “ал-Жомеъ” асаридан таълим бергани зикр этилган¹². Шунингдек, муҳаддиснинг илк устозлари қаторида Муҳаммад ибн Салом Пойкандий (ваф. 225/839) ҳамда Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснадий (ваф. 229/843) қайд этилган¹³.

Муҳаддиснинг устозлари орасида Қуръон тафсирига оид ҳадисларни ривоят қилганлари кўпчиликини ташкил қилмайди. Ўрганилган 50 нафарга яқин машхур муҳаддислардан фақат 23 нафарининг ривоятлари тафсир ва ҳадис тўпламларидан жой олган. Ушбу устозлардан 12 нафарининг ривоятлари “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”га киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Басра, Куфа, Ҳижоз ва Шом ўлкалари ровийларидир.

Имом Бухорий Марвада Абдон ибн Усмон, Али ибн Ҳасан ибн Шақиқ, Садақа ибн Фазлдан ривоятлар эшитган. Муҳаддис устозларидан ҳисобланган ҳамда “ат-Тарих ал-кабир”да зикр этилган Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Жабаланинг лақаби Абдон бўлган (ваф. 221/836). Унинг тўлиқ исми – Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Жабала ибн Абу Раввод Маймун (ёки Айман) Аздий Атакий Марвазий бўлиб, Имом Бухорий ундан ҳадис ривоят қилган.

Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг боб ва китобларга

¹¹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. - Байрут: Муассаса ар-рисола, 2001. – Ж. 12. – Б. 395.

¹² Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. - Байрут: Дор ал-ғарб ал-исламий, 2002. – Ж. 2. – Б. 330.

¹³ Sandıkcı S. Kemal. İlk Üç Asırda İslâm Coğrafyasında HADİS. – Ankara: DİB, 1991. – S. 447-448.

бўлишдаги мақсади, таълим этиш усули ҳамда *тарожум* деб номланган услуби ўзига хосдир. Зеро, асарда бир нечта муҳим мавзуларни жамлаш мақсади олингани сабаб ривоят қилинган ҳадислар мухтасар ҳолда келтирилган. Ҳадисларни тақдим этишнинг бу усули устози Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг кўрсатмасига кўра амалга оширилган. Мазкур ҳолатни имомнинг қуйидаги сўзлари қўллаб-қувватлайди: “Бу китобни 600 мингга яқин ҳадислардан (саралаб) чиқардим. Унга фақат саҳиҳ бўлганларини киритдим. Чўзилиб кетмаслиги учун саҳиҳни ҳам тарк қилдим (олиб ташладим)”. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг асл ва тўлиқ номланишидаги “мухтасар” сўздан ҳам айнан шу маъно назарда тутилган.

Имом Нававий Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” тўлиқ номини “ал-Жомеъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи”, деб келтирган. Ушбу мухтасар ва кенг тарқалган ном асар муаллифининг кўзлаган мақсади ҳамда таркибига киритилган мазмун билан амалда бир хил. Асарнинг номи борасида Калободий, Ибн Атийя, Қози Иёз, Ҳофиз Ибн Хойр, Ибн Салоҳлар Имом Нававий каби яқдил фикрда бўлганлар. Демак, Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида тафсирга доир ривоятларни жамлашда ривоятнинг қатъий ва собитлигига алоҳида эътибор қаратган, ҳадис маъносини қувватловчи хабар ёки исроилиёт ривоятларини жамлашни мақсад қилмаган.

Бобнинг иккинчи параграфи *“Имом Бухорийнинг нақлий тафсирлар шаклланишидаги роли”* деб номланган. Бу бандда VIII асрда Қуръон тафсирларини таълиф этишда ат-тафсир бил-маъсур – нақл асосидаги тафсир ва ат-тафсир бир-раъй – ақл ва ижтиҳод асосидаги тафсирга ажратиш анъанаси мавжуд бўлгани ёритилган. Тафсирлар нақл, яъни ҳадис, саҳобалар ривоятлари ёки ақлий илмлар асосида ёзилган. Шунингдек, ҳам нақлий маълумотлар, ҳам ақлий маълумотлар аралаш келган китоблар ҳам таълиф этилган. Хусусан, нақлий тафсирлардаги ривоятларнинг афзалроғини кўрсатиш, таржих қилишда нақлий илмларга, ақлий тафсирларда эса нақл билан бирга ақл ва ижтиҳодга таянган.

Имом Бухорий Қуръонни ҳадис, саҳобий ва тобейлардан нақл қилинган саҳиҳ ривоятлар асосида шарҳлаш тури бўлган ат-тафсир бил-маъсур усулининг ривожланишига ҳисса қўшган. Зеро, ушбу тафсир тури тафсирлар ичида афзали ва улуғроғи ҳисобланган. Чунки ҳадис орқали Қуръонни шарҳлаш, оятларнинг нозил бўлишига бевосита гувоҳ бўлган саҳобийлар ва уларнинг давомчилари бўлган тобейлар тафсирнинг қадрини оширган. Муҳаддислар тафсирнинг бу туридаги икки асосий жиҳат - ривоятлар силсиласининг саҳиҳлиги ва бир оят шарҳида бир нечта нақлларнинг мавжудлиги масаласига алоҳида эътибор қаратганлар.

Имом Бухорийнинг Қуръондаги оятларнинг ҳар бирига алоҳида ривоят келтирмаганининг сабаби хабарларнинг сиҳхатига оид қўйган шартлари билан изоҳланади. Бошқа муфассирлар ўз шартлари ва олдиларига қўйган мақсадларига таянган ҳолда тафсирга оид ривоятларни келтирганлар. Абдураззоқ ибн Ҳаммом “Тафсир”ида барча оятлар таҳлил қилинмаган, аммо

тафсир қилинган оятлар бўйича бир-иккита ривоят келтирилган, муаллифнинг қўшимча изоҳлари тафсирга доир нақллар билан асосланган¹⁴.

Имом Бухорий “Китоб ат-тафсир”да ҳадислар тўпламининг бошқа бўлимларидан фарқли равишда ривоятларни маълум бир боб мавзулари остида тўпламагани, балки тафсирларда бўлганидек, оятлар тартибини асос қилиб олгани ёритилган. Олим ривоятларни келтирган ҳолда, очиқ шахсий изоҳ ва баёнга таянмаган. Имом Бухорийнинг ҳар бир оят лафзи ва жумлалар маъноси ҳамда мақсадларини батафсил очишни қатъий қасд қилмаганини боб номлари, изоҳсиз қолдирилган жойлар орқали англаш мумкин.

Бобнинг учинчи параграфи “*Муҳаддиснинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида Қуръон маъноларини шарҳлашдаги услуби*” деб номланган. Унда Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламида ривоятларнинг ишончлилиқ даражасига қўйган шартларини айнан тафсирга доир хабарларда ҳам татбиқ қилгани ёритилган. Диссертацияда “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да зикр қилинган тафсирга тегишли ҳадисларнинг тартиби ва мазмуни бўйича мавзунинг кўпчилиқ эътиборидан четда қолган жиҳатларига ҳам аниқлик киритилган. Бунда муҳаддиснинг Қуръон маъноларини шарҳлашдаги услубини ёритиш учун Ибн Аби Ҳотимнинг “Тафсир” асарида оятларни тақдим қилиш усули билан қиёсланган.

“Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз”¹⁵ ояти ҳақида Ибн Аби Ҳотим мазкур мавзуда ворид бўлган ривоятлар уч гуруҳга бўлинишини таъкидлаган. Бунга кўра, биринчи гуруҳга Расулulloҳ (с.а.в.)га нисбат берилган - *марфуъ*, кейинги гуруҳга саҳобийга нисбат берилган - *мавуқф* ва охиргиси тобеййга нисбат берилган - *мақтуъ*¹⁶ ривоятлар бўлиб, биттадан жами учта ривоят олдинги умматларга фарз қилинган рўза ҳақида маълумот берган.

Имом Бухорий “Бақара” сурасининг 183-оятининг тафсирида навбати билан ушбу тўрт ривоятни зикр қилган: 1) Абдуллоҳ ибн Умар шундай деган: “Ашуро куни жоҳилият аҳли рўза тутарди. Рамазон рўзаси амри келганда Пайғамбар (с.а.в.) “(Ашуро куни) истаган рўза тутсин, истамаган тутмасин” дедилар”; 2) Оиша (р.а.) шундай деганлар: “Рамазон рўзаси амри келмасидан олдин Ашуро куни рўза тутиларди. Рамазон рўзаси амри келганда Пайғамбар (с.а.в.) “(Ашуро куни) истаган рўза тутсин, истаган рўза тутмасин” дедилар”; 3) Абдуллоҳ ибн Масъуднинг шундай дегани нақл қилинган: “Ашъас Абдуллоҳнинг ёнига кирганида у овқат еяётган экан. Ашъас унга “Бугун Ашуро куни” деган. Абдуллоҳ “(Ашуро рўзаси) Рамазон рўзаси амри нозил бўлишидан олдин тутилар эди. Рамазон (рўзасига амр) келгач, ўша кун рўза тутиш қолдирилди. Кел, ёнимга ўтириб егин”, деб жавоб берган; 4) Оиша (р.а.) шундай деганлар: “Жоҳилият даврида Қурайш Ашуро куни рўза тутар

¹⁴ Қаранг: Абу Бакр ибн Абдурраззоқ ибн Нофеъ Хумайрий. Тафсир Абдурраззоқ / Маҳмуд Муҳаммад Убда таҳқиқи.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1419/1998.

¹⁵ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 23.

¹⁶ Ҳасан Айюб. Улум ал-Қуръон ва-л-ҳадис. – Қоҳира: Дор ас-салом, 2002. – Б. 173.

эди. Ўша кун Пайғамбар (с.а.в.) ҳам рўза тутар эдилар. Мадинага келганларида тутишга давом этдилар ва тутишни буюрдилар ҳам. Рамазон (рўзасига амр) келгач, Рамазон рўзаси фарз қилинди, Ашуро рўзаси тарк этилди. Бундан сўнг Ашуро рўзасини истаган киши тутар эди, истамаган тутмас эди”.

Имом Бухорий ривоятларни келтиришда тадрижийликка аҳамият бериб, аввало, жоҳилият аҳлининг Ашуро куни рўза тутгани, Рамазон рўзасига амр келгач, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўша кун рўза тутишни кишиларнинг ихтиёрига топширганларини билдирган ҳадисларни нақл қилган. У зикр қилган иккинчи ҳадисда “жоҳилият аҳли”га урғу берилмай, Ашуро рўзаси ислом келганидан сўнг бироз вақт давом этганига ишора қилади. Учинчи ҳадисда икки саҳобий орасидаги Ашуро рўзасига оид бир мулоқот келтирилган. Мулоқот бу мавзудаги амалиётни ўртага қўйганидек, Ашуро рўзасининг Рамазондан олдин фарз бўлганига оид бир ишорани ҳам ўз ичига олган. Зеро, Ашъаснинг Ашуро куни овқат тановул қилаётган Абдуллоҳни танқид қилиши бу амрнинг давом этганини кўрсатади.

Оиша (р.а.)дан нақл қилинган охириги ривоятда эса нисбатан батафсил маълумот берилиб, Ашуро рўзаси Мадина даврида ҳам тутилгани ёритилган. Имом Ибн Ҳажар Имом Бухорий бу ривоятни келтириш орқали аввалги умматларга фарз қилинган рўза Рамазон рўзаси бўлмаганига ишора қилган. Зеро, Рамазон рўзаси фарз бўлганида эди, Расулуллоҳ (с.а.в.) Ашуро рўзасини эмас, Рамазон рўзасини тутардилар. Демак, Пайғамбар (с.а.в.)нинг Ашуро куни рўза тутишлари тавқифий, яъни ушбу рўза Қурайшнинг одатига эргашиш учун эмас, балки Аллоҳнинг аввалгиларга фарз қилган бир амрини бажариш учун тутилган¹⁷.

Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида Қуръон маъноларини шарҳлашдаги услуби тизимлиликка, тадрижийликка, қиёсий таҳлилга асосланган. Муҳаддиснинг нақлий тафсирлар услубидаги ўзига хос ёндашуви ва йўналиши Рамазон рўзасига доир оятни шарҳлашида аниқ ифодаланган. Зеро, ҳар бир ҳукм ва амалнинг қатъий тартибда собит бўлиши унга доир манбалардаги ривоят ва ишончли хабарлар билан келтирилганда янада аҳамиятли бўлади.

Диссертациянинг «Имом Бухорийнинг Қуръон оятларини шарҳлашдаги ёндашуви хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”даги тафсир ривоятига оид боблар таҳлили, Имом Бухорийнинг “Тафсир китоби” тарожумларини номлашдаги ўзига хос истинбот усули ҳамда муҳаддиснинг ақидавий оятларни шарҳлашдаги ишора ва далиллари таҳлил қилинган.

Бу бобнинг биринчи параграфи ““ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”даги тафсир ривоятига оид боблар таҳлили”, деб номланган. Бунда тафсирга алоқадор боблар, уларга оид изоҳлар ўрганилганда, Қуръон тафсирига оид бобларнинг сони 1129 та экани аниқланган. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ида

¹⁷ Қаранг: Китоб ат-тафсир. 25-боб: “Бақара” сураси, 183-оят. // Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 1987. – Б. 307.

учраган жами ривоятлар сонига нисбатан тафсирга оидлари асарнинг учдан бирини ташкил қилган. Шу билан бир қаторда, оятлар билан бошланувчи китоблар сони эса 18 та бўлиб, “Тафсир китоби”да 516 та жойда ва бошқа фаслларда 613 ўринда оятлар изоҳланган. Имом Бухорий асарининг тафсирга оид фаслида бошқа ҳадис мусаннифларидан фарқли равишда нақлий тафсир имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилинган.

Диссертацияда Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”идаги тафсир ривоятига оид боблар сони кўп бўлишига қарамай, ундаги ривоят ва нақллар нисбатан озчиликни ташкил қилгани ёритилган. Бу ҳолат машҳур “ас-Сихоҳ ас-ситта” - олти саҳиҳ тўпламларидаги тафсирга оид фаслларига ҳам тегишли. Муҳаддислар билан бир даврда яшаган муфассирлар орасида тафсир тушунчасида жиддий фарқ бўлган. Оятларнинг тўғри тушунишда сабаби нузул хабарларининг аҳамияти катта.

Имом Нававий ва Имом Ҳофиз Асқалоний Имом Бухорийнинг ҳадисларни тўплашдаги мақсадини қуйидагича таърифлаганлар: “У фикҳий фойдалар, ҳикматли нуқталар қолиб кетмаслиги учун матнлардан ўзи тушунган кўп маъноларни очиб берган ва уларни бобларга ажратган. Бобларга ажратишда ҳукмий оятларга эътибор берган, улардан ноёб далилларни чиқарган, оятларнинг тафсирига кенг йўллар билан ишора қилиш услубини қўллаган”¹⁸.

Имом Бухорийнинг мақсади фақат ҳадисларни келтириш билан кифояланмай, ҳадислардан истинбот, яъни ҳукм чиқариш учун боблардан, уларга фикҳий масалаларга оид далилларни жамлаш орқали фойдаланган. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг айрим ўринларида бобда келтирилган ҳадисдан сўнг: “Фалончининг Пайғамбар (с.а.в.)дан келтирган сўзи” ёки шу маънодаги ибора билан бошланувчи ҳадисларни санаб ўтган. Бошқа ўринларда Қуръони каримдан ҳам оятлар келтирилган ёки умуман нақл қилмаган.

Имом Бухорий ҳадисларни баён қилишда, боблардан олдин мавзуларга доир китобларнинг номларини келтиради. Масалан:

كتاب الإيمان، كتاب الطهارة، كتاب الصلاة، كتاب بدء الوحي

яъни: “Ваҳийнинг бошланиш китоби”, “Имон китоби”, “Таҳорат китоби”, “Намоз китоби” каби.

Имом Ибн Ҳажар Асқалоний “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ичида ишлатилган “китоб” (كتاب) сўзини “ёзди”, “ёзади”, “ёзмоқ, китоб, хат” (كتب يكتب كتابا) феълининг масдари бўлиб, мазкур феълнинг моҳиятан асоси “уламоқ”, “қўшмоқ”, “тўпламоқ” маъноларини билдиради, деб келтиради. Шунинг учун ҳам маълум бир масалаларни ўзида жамловчи фасл ва бобларга нисбатан “китоб” сўзи ишлатилган. Луғавий жиҳатдан қаралганда, ҳарфларнинг ўзаро улаб ёзилиши тушунилади. Лекин “боб” (باب) сўзининг асосий маъноси “кириш”, “ўтиш”, “йўлак”, “мундарижа” مدخل маъноларида бўлиб, асарда “китоб” сўзи, “кириш жойи” мажозий “эшик” маъносида қўлланилган. Ушбу китоблар остида келтирилган бобларнинг сарлавҳалари эса топқирлик ва

¹⁸ Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадй ас-сорий. – Ж. 8. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1951. – Б. 7.

ўткир заковат билан ишланган. Бобларга ажратиш алоҳида тадқиқот усули бўлиб, бу араб тилида “табвиб” (تبويب) бобларга, бўлимларга, навларга ажратиш, деб номланади. Шунингдек, “боб” сўзининг ўзаги “суқун, асвақун” (سوق، أسواق) яъни “бозор” вазнидаги “бубун, абвабун” (بوب، أبواب) “эшик” сўзидан олинган. Кейинчалик бу сўзнинг ўрта ўзаги иллат-касал ҳарф бўлгани учун грамматик қоидалар асосида باب - “боб” шакли ҳосил қилинган.

Бобнинг иккинчи параграфи “Имом Бухорийнинг *“Тафсири китоби” тарожумларини номлашдаги ўзига хос истинбот усули*”, деб номланган. Имом Бухорий аксар ҳолларда, ҳар бир китобнинг биринчи бўлимида мавзуга доир Қуръони карим оятларидан далиллар келтирган. Масалан, “Ваҳийнинг бошланиши” китобида айнан шу усулни кузатиш мумкин:

1- باب كيف كان بدء الوحي إلي رسول الله صلى الله عليه وسلم و قوله جل ذكره
(إنا أوحينا إليك كما أوحينا إلي نوح و النبيين من بعده)

яъни: “Расулудлоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг бошланиши қандай бўлган?”¹⁹. Аллоҳ жалла зикруҳунинг “(Эй, Муҳаммад!) албатта, Биз Нух ва ундан кейинги набийларга ваҳий юборганимиздек, Сизга ҳам ваҳий юбордик”²⁰. Ушбу оят Пайғамбар (с.а.в.)га ваҳийнинг нозил бўлганига қатъий далилдир. Муҳаддис китобда оятга уйғун бўлган, унинг маъносини таъкидлайдиган, узвий боғлиқ бўлган ҳадисларни изчиллик билан келтирган.

Бобларнинг изчилиги ва ўзаро уйғунлигини эътиборли ўқувчи мутолаа қилиш жараёнида ҳеч бир қийинчиликсиз илғаб олади. Муаллиф ўз китобида фойдаланувчининг ҳолатини инобатга олиб, ҳар бир жумлани аниқ ва лўнда келтирган ҳамда бўлимларнинг номларини нозик ва нафис жумлаларда ифодалаган.

Асардаги ҳар бир китоб ва бобларнинг аввалида оят, ҳадис ва шарҳларни келтиришда муаллиф томонидан қўлланилган услуб ўқувчининг фикр ва имкон доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Китобдаги дастлабки ҳадис ният ва мақсад тўғрисида бўлиб, муҳаддис асарни яхши ният ва ихлос билан ёзганлигига урғу берган. Бу орқали ўқувчига муайян иш бошлаш жараёнида шахсий намуна кўрсатган. Имом Бухорий тўпламни таълиф этишда ҳадисларнинг мазмунидан келиб чиқиб, бобларга ажратган ва уларга сарлавҳалар қўйиб чиққан. Муҳаддисга хос бўлган қарашлар асосида шаклланган бобларнинг сарлавҳалари ҳадис илмида “тарожим” деб аталган.

Уламолар Имом Бухорийнинг тарожимларни беришда қўллаган усулини ҳадис илмига олиб кирилган катта йўналиш ва ёндашув сифатида эътироф этганлар. Имом Бухорий бобларни номлашда ҳадислар ва уларнинг маъносидан унумли фойдаланиб, улардан иқтибослар келтирган. Муҳаддис боб таркибида келтирилаётган ҳадис мазмунини ихчам ва лўнда шаклда бобнинг сарлавҳасида баён қилган. Масалан, “Таяммум” - التيمم китобидаги 8-боб тарожими ضربة التيمم “Таяммум бир зарбадир”, деб келтирилган. Ушбу боб

¹⁹ Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-Борий би шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. – Ж. 1. – Қоҳира: Дор ад-дайён лит-турос, 1986. – Б. 14.

²⁰ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 104.

